

СМТИ ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик в минтақалараро тадқиқотлар институти

Умумий маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) – давлат илмий-тадқиқот муассасадир. Институт 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида асосан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) давлатнинг илмий – тадқиқот ташкилоти сифатида 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида мувофиқ ташкил этилган.

Асосий тадқиқот йўналишлари

Институт ахборот-таҳлилий ва илмий-тадқиқот фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- Ўзбекистоннинг ички хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг долзарб масалалари;
- Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик масалалари, минтақа мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш ривожлантириш истиқболлари;
- халқаро хавфсизлик ва глобал ривожланишнинг жорий тенденциялари, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан ҳамкорликни истиқболлари.

Институт фаолияти

СМТИ ўз фаолияти давомида қуйидагиларни амалга оширади:

- тадқиқот йўналишлари бўйича халқаро анжуманлар, мавзули «давра суҳбатлари» ва илмий-амалий семинарлар ўтказиш;
- Марказий Осиёда хавфсизлик масалалари, Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва халқаро ҳамкорлик истиқболлари борасида қўшма тадқиқотлар олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати йўналишларига оид давлат дастурлари, концептуал ҳужжатлар ва қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимият органлари, илмий-тадқиқот, таҳлилий институтлари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш;
- Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, шунингдек хорижий таҳлилий ва тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик олиб бориш.